

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„18“ декабрь 2017 й. г. № 994

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини воҳадаги мураккаб экологик вазиятни инobatга олган ҳолда янада такомиллаштириш, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг тез тиббий ёрдам хизмати билан узвийликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, аҳолини патронаж хизмати билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолига кўрсатилаётган ихтисослашган тиббий хизматнинг қулай ва сифатли тарзда кўрсатилиши учун шарт-шароитлар яратиш, Хоразм вилоятини намунали тиббий хизмат кўрсатиладиган ҳудудга айлантириш бўйича вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳарни қамраб оладиган ислохотларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар Хоразм вилояти (кейинги ўринларда вилоят деб аталади) соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар этиб белгилансин:

аҳолига профилактик йўналишдаги тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ва унинг тез тиббий ёрдам хизмати билан узвийликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, аҳоли ўртасида патронаж ишларини мунтазам равишда ва тизимли олиб бориш;

тиббий маданият ҳамда фуқароларнинг ўз саломатлигига масъуллигини оширишга йўналтирилган аниқ профилактик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, вояга етгаётган ёш авлодни соғлом тарбиялаш, шунингдек, туғма ногиронлик ва ирсий касалликлар ҳолатларини камайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

ноинфекцион касалликларнинг хавfli омилларини эрта аниқлашнинг самарали механизмларини жорий қилиш йўли билан аҳоли орасида касалланиш, ногиронлик ва эрта ўлимнинг олдини олиш;

профилактик эмлашлар, бириктирилган ҳудуд ва хонадонлар санитария ҳолатининг умумий назоратини олиб бориш, ҳудудда юзага келадиган санитария-эпидемиологик вазият, шу жумладан, юқумли касалликларнинг тарқалиши, захарланиш ва бошқа фавқулодда ҳолатлар бўйича аниқ ва тезкор чоралар кўриш ҳамда санитария-эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш

19 12

3-238
17.

вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш;

тез тиббий ёрдам шохобчаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни реконструкция қилиш ва мазкур шохобчаларни замонавий жиҳозланган тез тиббий ёрдам автотранспортлари билан таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси 1-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги муассасаларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, мазкур қарорга 2-илова билан тасдиқланган чора-тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларининг мувофиқлаштирилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

вилоят аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳолатини пухта ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тезкор чоралар кўриш, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларининг аҳолига тиббий хизматларнинг ўз вақтида кўрсатилиши, сифати ва самарадорлиги юзасидан шахсий масъулиятини ошириш чораларини кучайтириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вилоятдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарига тиббий ёрдам кўрсатиш, энг аввало, тиббиёт ходимларининг ўз касбий вазифаларини виждонан бажармаслиги, улар томонидан мурожаатларга юзаки муносабатда бўлиш каби ҳолатлар бўйича келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларини, шу жумладан, тақрорий мурожаатларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда улар юзасидан таъсирчан чоралар кўриш;

мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш ва ҳар ойда чора-тадбирлар, шу жумладан унга киритилган инвестиция лойиҳалари ва унинг натижалари кўриб чиқилишини таъминлаш;

зарурат бўлганда, ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаларини ўз вақтида ва сифатли бажаришда камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги юзасидан тақлифлар киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

2018 йилдан бошлаб вилоятдаги туман (шаҳар) марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳамда биттадан оилавий поликлиникаларда фуқароларни электрон рўйхатга олиш орқали уларнинг шифокор қабулига масофадан туриб ёзилишини назарда тутувчи “Электрон поликлиника” автоматлаштирилган ахборот тизимини эксперимент тарзида амалиётга татбиқ қилиш ва 2019 йилдан бошлаб маскур тизимни вилоятдаги барча оилавий поликлиникаларда жорий этиш;

2018 йилдан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 145 ўринли клиникасини сақлаш билан боғлиқ харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва маскур клиникага пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда молиялаштириш;

2018 ва 2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурлари асосида Урганч шаҳар аҳолисига бепул тиббий хизмат кўрсатувчи 120 ўринли шифохона куриш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда марказлар деб аталади) билан биргаликда:

вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш юзасидан амалий ёрдам берилишини таъминласин;

марказларнинг филиаллари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ихтисослаштирилган бўлимлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлашда, шунингдек, тегишли ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатишда кўмаклашсин;

марказларнинг етакчи мутахассислари иштирокида вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида сайёр консултациялар, маҳорат дарслари ва амалиётлари, шунингдек, мураккаб жарроҳлик амалиётларини мунтазам равишда ўтказиб борсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан биргаликда тизимли равишда ихтисослаштирилган вилоят тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, шунингдек, клиник ординатурада, базавий докторантурада ва докторантурада тор мутахассислик кадрларини тайёрлаш ишларини ташкил этсин.

6. Маскур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир А.Қ. Шадманов ва Хоразм вилояти ҳокими И.М. Собиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**



А. Арипов

**Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш
ва соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада тақомиллаштириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

T/p	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш				
1	Тасдиқланган нормативларга мувофиқ тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадаларини дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлаш материаллари билан бошқичма-бошқич таъминлаш.	2018 йил	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан*	Хоразм вилоят ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш, молия бошқармалари
2	Вилоят скрининг маркази моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий янги технологияли УТТ аппарати билан жиҳозлаш.	2018-2019 йиллар	Ҳомийлар ва ўз маблағлари ҳисобидан*	Хоразм вилоят ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
3	Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиалини масофали гамма терапия аппарати билан жиҳозлаш.	2018-2020 йиллар	Ислом тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хоразм вилоят ҳокимлиги
4	Вилоят юкумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлимини тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш.	2018-2019 йиллар	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	Хоразм вилоят ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
5	Вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказини юқори технология, жумладан, УТТ, рентген, сунъий нафас олдириш ҳамда жаррохлик амалиёти учун зғуур	2018 йил	Германия тараққиёт банки (KfW)	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	бўлган асбоб-ускуналар билан таъминлаш.		грант маблағлари ҳисобидан	Хоразм вилояти ҳокимлиги
6	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникасини сақлаш харажатлари учун маблағ ажратиш.	2018 йил	ЎзР Давлат бюджетли маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
7	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини юкори технологик, жумладан, МРТ, рентген ва телетиббиёт алоқа тизими аппаратлари билан таъминлаш.	2018-2019 йиллар	Германия тараққиёт банки (KfW) кредит ва грант маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
8	Богот ва Янгиариқ туманлари тиббиёт бирлашмаларини бирламчи ва тез ёрдам хизмати бўйича намунали муассасалар сифатида ишларини ташкил қилиш.	2018 йил	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
II. Даволаш-профилактика муассасаларида диагностика ва даволашнинг замонавий услубларини кенг жорий қилиш				
9	Вилоятдаги туман (шаҳар) марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳамда биттадан оилавий поликлиникаларида фуқароларни электрон рўйхатга олиш орқали уларнинг шифокор қабулига масофадан туриб ёзилишини назарда тутувчи “Электрон поликлиника” автоматлаштирилган ахборот тизимини эксперимент тарзида амалиётга татиқ этиш.	2018 йил	Ҳомийлар ва ўз маблағлари ҳисобидан*	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
10	Тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг етакчи мутахассисларини жалб этган	Ҳар йили тасдиқланган	—	Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	хонда диагностика ва даволашнинг янги усуллари яорий этиш бўйича вилоят, шаҳар ва туман даражасидаги тиббиёт ташкилотлари врачлари учун маҳорат дарсларини ташкил этиш.	жадвалларга мувофиқ	манбаи	марказлари
11	Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали амалиётига болалар оғир юрак касалликларига нисбатан очик юракда операцияларни жорий этиш.	2018 йил давомида	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази
12	Мавжуд умумий жаррохлик ўринлари фондиди қайта ихтисослаштириш йўли билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида жаррохлик йўналишидаги 5 та ихтисослаштирилган бўлимларни (3 та травматология (Гурлан, Хива, Ҳазорасп), 2 та отолорингология (Хива, Урганч) ташкил этиш.	2018-2021 йиллар	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман ҳокимликлари
13	Мавжуд терапевтик ўринлар фондиди қайта ихтисослаштириш йўли билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида терапия йўналишидаги 13 та ихтисослаштирилган бўлимларни (5 та кардиология (Богот, Хонка, Хива, Шовот, Ҳазорасп), 8 та неврология (Қўшқўпир, Богот, Янгиариқ, Гурлан, Хонка, Хива, Шовот, Урганч) ташкил этиш.	2018-2021 йиллар	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, туман ҳокимликлари, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
	Ш. Тиббиёт ҳодимларини тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш			
14	Даволаш-профилактика муассасалари ҳодимлари (врач мутахассислари) нинг тизимли равишда малака оширишларини таъминлаш.	Ҳар йили тасдиқланган жадвалларга	“Саломатлик – 3” лойиҳаси доирасида ажратилган	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
		мувофиқ	маблағлар доирасида*	
15	Бачалон бўйни саратони скринингини амалга ошириш мақсадида туман (шаҳар) марказий кўп тармоқли поликлиникаларидан 1 нафардан акушер-гинекологларни кольпоскопия бўйича ўқитиш.	2018 йил I чорак	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
16	Вилоят перинатал маркази ҳамда Хива ва Богот туманларидаги 2 та туманлараро туғруқ комплекси марказларида 1 нафардан цитолог мутахассисларини тайёрлаш.	2018 йил III чорак	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
17	Вилоятда фаолият кўрсатаётган шифокорларни нуфузли хоризкий клиника ва марказларда малакасини ошириш.	2018-2019 йиллар	Республика ва маҳаллий бюджет мabлағлари хисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти хоқимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси

Қора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш харажатлари: 2667,8 млн. сўм ва 5080,0 минг АҚШ доллари.

шундан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

бюджетдан ташқари маблағлар;

Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва грантлари, шу жумладан:

Ислом тараққиёт банки кредитлари;

Германия тараққиёт банки (KfW-банк) кредит ва грантлари.

млн. (сўм)

1471,9

1195,9

–

–

минг (АҚШ долл.)

–

–

1030,7

4049,3

* Қора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирлар Хоразм вилояти маҳаллий бюджети, ҳомийлар ва тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳамда “Саломатлик – 3” лойиҳаси доирасида ажратиладиган маблағлар доирасида ҳам амалга оширилади.

2018-2020 йилларда Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги муассасаларни қуриш,
реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ

Т/р	Тадбирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
	Соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш	89 950,0	25 200,0	29 900,0	34 850,0
Урганч шаҳри					
1	Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ёрдамчи биноларини реконструкция қилиш	1 200,0	1 200,0		
2	Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 40 ўринли отолорингология ва бошқа биноларини реконструкция қилиш	7 900,0	2 700,0	2 500,0	2 700,0
3	4-сон оилавий поликлиниканинг 250 қатновли поликлиника биносини реконструкция қилиш	1 000,0		1 000,0	
4	Урганч шаҳар собиқ марказлашган стерилизация бўлими биносини 5-сон оилавий поликлиникаси этиб реконструкция қилиш	1 000,0		1 000,0	
5	Урганч шаҳридаги вилоят Скрийнинг марказини вилоят Перинатал маркази ҳудудидаги бўш турган 2 қаватли бинога кўчириш ва реконструкция қилиш	3 600,0	3 600,0		
6	Вилоят Перинатал марказининг 200 ўришли даволаш биноларини реконструкция қилиш	3 700,0		1 200,0	2 500,0
7	Хоразм вилоят Силта қарши қураш диспансерининг 310 ўринли мавжуд биноларини реконструкция қилиш	3 400,0		1 200,0	2 200,0
8	Вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг биноларини мукамал таъмирлаш	2 000,0			2 000,0
9	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг махсус оғмор биносини реконструкция қилиш	1 500,0		1 500,0	

T/p	Табирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
10	Урганч шаҳар шифохонасида 120 ўринлик янгидан бино қуриш	4 700,0	3 200,0	1 500,0	
Хива шаҳри					
11	Хива шаҳар табиёт бирлашмасининг 50 ўринли даволаш ва 200 катновга эга кўп тармоқли марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	3 500,0	3 500,0		
Бўғот тумани					
12	“Қизилравот” қишлоқ оилавий поликлиникасида қўшмача бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш	1 500,0	1 500,0		
13	“Боготёп” қишлоқ оилавий поликлиникасида 8 хонали қўшмача бино қуриш, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
14	“Найман” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
15	“Кораёнтоқ” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0			500,0
16	“Хитой” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
17	“Атов” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
18	“Ўзбекистон” қишлоқ оилавий поликлиникасида 4 хонали қўшмача бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0			500,0

Т/р	Тадбирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
19	“Маданият” қишлоқ врачлик пунктини жорий таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш	150,0			150,0
Гурлан тумани					
20	Гурлан туман тиббиёт бирлашмасининг 54 ўринли болалар, 75 ўринли терапия ва бошқа ёрдамчи биноларини реконструкция қилиш	5 600,0		1 800,0	3 800,0
21	“Янгибод” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносини реконструкция қилиш	400,0	400,0		
22	“Вазир” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносини реконструкция қилиш	300,0			300,0
23	“Амударё” қишлоқ оилавий поликлиникасининг тез тиббий ёрдам биносини, гараж, бостирма ва бошқа биноларини янгидан қуриш	600,0			600,0
24	“Намуна” қишлоқ оилавий поликлиникасида 10 хонали қўшмача бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0			500,0
25	“Дўсимбой” қишлоқ оилавий поликлиникасида 7 хонали қўшмача бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	
26	“Охунбобоев” қишлоқ оилавий поликлиникасида 8 хонали қўшмача бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
27	“Тулистон” қишлоқ оилавий поликлиникасида 7 хонали қўшмача бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0

T/p	Тадбирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	Шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
28	“Хизир эли” қишлоқ оилавий поликлиникасида 3 хонали қўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
Қўшқўлпир тумани					
29	Қўшқўлпир туман тиббиёт бирлашмасининг 30 ўринли юкумли касалликлар бўлимини реконструкция қилиш	7 200,0	1 700,0	3 000,0	2 500,0
30	“Тошкент” қишлоқ оилавий поликлиникасида қўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш	400,0		400,0	
31	“Ўртаёп” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0			500,0
32	“Гулистон” қишлоқ оилавий поликлиникасида 8 хонали қўшимча бино қуриш ёки хозирда фаолият кўрсатмаётган хоналари етарли бўлган Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини биносига қўчқриш, мавжуд бинонинг том қисмини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0		500,0	
33	“Қўктом” қишлоқ оилавий поликлиникасида 11 хонали қўшимча бино қуриш ёки хозирда фаолият кўрсатмаётган эски барча хоналари етарли бўлган Хонобод маҳалла фуқаролар йиғини биносига қўчқриш, мавжуд бинонинг том қисмини ва хоналарини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0		500,0	
34	“Незахос” қишлоқ оилавий поликлиникасида 9 хонали қўшимча бино қуриш ёки хозирда фаолият кўрсатмаётган эски барча хоналари етарли бўлган Незахос маҳалла фуқаролар йиғини биносига қўчқриш, мавжуд бинонинг том қисмини, хоналарини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	600,0			600,0

Т/р	Тадбирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
35	“Зарбдор” қишлоқ оилавий поликлиникасида 12 хонали қўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0			500,0
36	“Хайробод” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	
37	“Хосиён” қишлоқ оилавий поликлиникасида 8 хонали қўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	
Урганч тумани					
38	Урганч туман тиббиёт бирлашмасининг 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими, 30 ўринли жарроҳлик ва бошқа ёрдамчи биналарни реконструкция қилиш	10 000,0	3 500,0	2 500,0	4 000,0
39	“Юкорибоғ” қишлоқ оилавий поликлиникасида қўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш	600,0		600,0	
40	“Ғайбу” қишлоқ оилавий поликлиникасида 6 хонали қўшимча бино, шу жумладан шифокорлар учун уй-жой қуриш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
Шовот тумани					
41	“Манак” қишлоқ оилавий поликлиникасида мавжуд бинони реконструкция қилиш	400,0		400,0	
42	“Меҳнатобод” қишлоқ оилавий поликлиникасида мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	350,0		350,0	
43	“Беруний” қишлоқ оилавий поликлиникасида мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0

Т/р	Табдилрлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
44	“Бўйрачи” кишлоқ оилавий поликлиникасида мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0			400,0
45	“Кангли” кишлоқ оилавий поликлиникасида 12 хонали қўшимча бино қуриш, том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	500,0			500,0
46	“Дўстлик” кишлоқ оилавий поликлиникасида мавжуд бинони том қисмини жорий таъмирлаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0			300,0
47	“К.Рахимов-2” кишлоқ оилавий поликлиникасида 10 хонали қўшимча бино қуриш, том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0		400,0	
48	“Ибн-Сино” кишлоқ оилавий поликлиникасида 10 хонали қўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	400,0		400,0	
Янгиқарик тумани					
49	“Аваз Ўтар” кишлоқ оилавий поликлиникасида қўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш	600,0	600,0		
50	“Тагаи” кишлоқ оилавий поликлиникасида ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	200,0		200,0	
51	“Остона” кишлоқ оилавий поликлиникасида 5 хонали қўшимча бино қуриш, том қисми, ичимлик сув, иситиш тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	
52	“Оқмачит” кишлоқ оилавий поликлиникасида ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез tibбий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	

Т/р	Тадбирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
53	“Хоразм” қишлоқ врачлик пункти биносининг том қисмини, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимини янгилаш, худудни девор билан ўраш ва ободонлаштириш	200,0			200,0
54	“Қўриқтом” қишлоқ врачлик пунктини жорий таъмирлаш, худудни ободонлаштириш	150,0			150,0
Янгибозор тумани					
55	Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасида 250 қатновли кўп тармоқли марказий поликлиника биносини реконструкция қилиш	4 000,0		1 500,0	2 500,0
56	“Халқобод” қишлоқ оилавий поликлиникасида кўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш	600,0	600,0		
57	“Боғолонқий” қишлоқ оилавий поликлиникасида 6 хонали кўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисми, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0			300,0
58	“Бўзқалъа” қишлоқ оилавий поликлиникасида 6 хонали кўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0			300,0
59	“Уйғур” қишлоқ врачлик пункти биносинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимини янгилаш, худудни ободонлаштириш	150,0			150,0
Ҳазорасп тумани					
60	“Муҳомон” қишлоқ оилавий поликлиникасида кўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш	800,0	800,0		
61	“Дўстлик” қишлоқ оилавий поликлиникасида 4 хонали кўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик суви, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	

T/p	Тадбирлар номи	Лойiha қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
62	“Қарақ” қишлоқ оилавий поликлиникасининг мавжуд биносининг том қисмини жорий таъмирлаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	200,0			200,0
63	“Наврўз” қишлоқ оилавий поликлиникасида мавжуд бионинг том қисмини жорий таъмирлаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	200,0			200,0
64	“Ашпақ-атов” қишлоқ оилавий поликлиника биносини мукамал таъмирлаш, дераза ва эшикларини алмаштириш	200,0			200,0
65	“Қоралор” қишлоқ врачлик пунктида шифокор учун уй-жой қуриш, бионинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимини янгилаш, ҳудудни ободонлаштириш	150,0		150,0	
66	“Шихлар” қишлоқ врачлик пункти биносининг том қисмини янгилаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчаси, шифокор учун уй-жой қуриш ва ҳудудни ободонлаштириш	150,0			150,0
67	“Охунбобоев” қишлоқ врачлик пункти биносининг том қисмини янгилаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини ва шифокор учун уй-жой қуриш ва ҳудудни ободонлаштириш	150,0			150,0
Хива тумани					
68	Хива туманидаги Вилоят наркология диспансерининг 100 ўринли даволаш биноси ва ёрдамчи биноларини Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг бўш турган олдинги ётоқхона биносига қўчириб реконструкция қилиш	2 000,0		2 000,0	
69	42-сон Саёт қишлоқ оилавий поликлиникасида қўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бионини реконструкция қилиш	300,0		300,0	
70	Хиват Гандимён қишлоғи 40-сон қишлоқ оилавий поликлиникасида қўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бионини реконструкция қилиш	1 200,0	1 200,0		
71	Беруний 39-сон оилавий поликлиникасида 4 хонали қўшимча бино қуриш, мавжуд бионинг том қисмини, ичимлик сув, электр тизими, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Дераза ромларини алмаштириш. Тез тиббий ёрдам учун бостирма қуриш	300,0			300,0

Т/р	Тадбирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
72	"41 сон" Чинобод оилавий поликлиникасида 8 хонали кўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Дераза ва эшик ромларини алмаштириш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0			300,0
73	"44-сон" П.Махмуд оилавий поликлиникасида 5 хонали кўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Дераза ва эшик ромларини алмаштириш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	250,0		250,0	
74	"Чанашик" кишлоқ врачлик пунктида шифокор учун уй-жой қуриш, кишлоқ врачлик пункти биносини, иситиш, канализация, ичимлик сув тизимларини, том қисмини ва хоналарини таъмирлаш. Дераза ва эшик ромларини алмаштириш	250,0		250,0	
75	"Эски-Қиёт" кишлоқ врачлик пунктида шифокор учун уй-жой қуриш, кишлоқ врачлик пункти биносига кўшимча 6 хона қуриш, иситиш, канализация, ичимлик сув тизимларини, том қисмини ва хоналарини таъмирлаш. Дераза ва эшик ромларини алмаштириш	250,0			250,0
Хонка тумани					
76	Хонка туман тиббиёт бирлашмасининг 110 ўришли туғруқ комплексини реконструкция қилиш	2 200,0		2 200,0	
77	"Саролоён" кишлоқ оилавий поликлиникасида кўшимча хоналар қуриш ва мавжуд бинони реконструкция қилиш	700,0	700,0		
78	"Дурвадик" кишлоқ оилавий поликлиникасида 6 хонали кўшимча бино қуриш, мавжуд бинонинг том қисмини жорий таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0			300,0
79	"Янги ҳаёт" кишлоқ оилавий поликлиникасида 4 хонали кўшимча бино қуриш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0			300,0

Т/р	Табирлар номи	Лойиҳа қиймати, млн.сўм	шу жумладан:		
			2018 йил	2019 йил	2020 йил
80	“Олтин соҳил” қишлоқ оилавий поликлиникаси биносининг иккинчи қаватида фойдаланилмасдан турган хоналардан 10 тасини таъмирлаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимларини таъмирлаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини поликлиника биносига жойлаштириш. Янги гараж ва бостирма қуриш	300,0		300,0	
81	“Ал-Хоразмий” қишлоқ врачлик пункти биносинг том қисмини янгилаш, ичимлик сув, иситиш, канализация тизимини янгилаш. Тез тиббий ёрдам шохобчасини ва шифокор учун уй-жой қуриш, худудни ободонлаштириш	200,0		200,0	
82	“Навоий” қишлоқ врачлик пункти биносининг том қисмини янгилаш, ичимлик сув, иситиш ва канализация тизимини янгилаш, тез тиббий ёрдам шохобчаси, шифокор учун уй-жой қуриш, худудни ободонлаштириш	250,0			250,0

**Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирларининг мувофиқлаштирилишини
ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

- | | |
|------------------------|---|
| 1. А.Қ. Шадманов | – Соғлиқни сақлаш вазири, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2. И.М. Собиров | – Хоразм вилояти ҳокими, <i>ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари</i> |
| 3. Б.Қ. Юсупалиев | – Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари |
| 4. Э.И. Баситханова | – Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари |
| 5. С.С. Сайдалиев | – Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари |
| 6. М.К. Сапаев | – Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари |
| 7. Ф.Р. Шарипов | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи |
| 8. М.Ф. Садиков | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 9. Д.С. Мирзабаев | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси бошлиғи |
| 10. Ў.С. Исмаилов | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи |
| 11. М.М. Мирталипов | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иқтисодиёт, молия ва истiqболни аниқлаш бош бошқармаси бошлиғи |
| 12. Ф.А. Рахимкулов | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензия бериш ва подавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи |
| 13. А.К. Инаков | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи |
| 14. А.Х. Норбеков | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лойиҳа ва инвестиция дастурларини мувофиқлаштириш ва ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи в.в.б. |
| 15. Б.А. Юлдашев | – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи |
| 16. К.Р. Тангрибердиев | – Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи |

17. лавозими буйича – Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари
18. лавозими буйича – туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари

Изоҳ. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ишчи гуруҳ таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.

